SHU AZIZ VATAN — BARCHAMIZNIKI

# O'ZBEKISTON OVOZI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI

• 2006-yil • 30-mart • Payshanba • 38 (27.530) • www.uzbekistonovozi.uz • 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan

## ДАВЛАТ ТАШРИФИ ДАВОМ ЭТМОҚДА

***СЕУЛ, 29 март (ЎзА махсус мухбири Анвар БОБОЕВ хабар қилади).***

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Корея Республикасига давлат ташрифи мамлакатимиз раҳбарини расмий кутиб олиш маросими билан бошланди. Корея Республикаси Президентининг «Чонг Ва Дэ» қароргоҳида олий мартабали меҳмон шарафига фахрий қоровул саф тортди. Икки давлат мадҳиялари янгради. Президентлар фахрий қоровул сафи олдидан ўтдилар.

Шундан сўнг Президентлар Ислом Каримов ва Но Му Хённинг яккама-якка суҳбати бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон — Жанубий Корея муносабатларининг бугунги аҳволи ва истиқболлари, ўзаро савдо-иқтисодий ҳамкорлик масалалари муҳокама қилинди. Президентлар ўзларини қизиқтирган халқаро ва минтақавий муаммолар юзасидан фикр алмашдилар.

Но Му Хён ушбу ташрифга Корея томони катта аҳамият беришини, зеро корейс халқи ўзбекларнинг меҳмондўстлиги ва бағрикенглигини, азалий дўстликни юксак қадрлашини таъкидлади.

Ислом Каримов Сеул мулоқотлари 2005 йил май ойида Тошкентда ўтган олий даражадаги Ўзбекистон — Жанубий Корея музокараларининг мантиқий давоми эканлигини, учрашувларнинг узвийлиги эса ўзаро алоқаларни мустаҳкамлаш иштиёқи икки томонда ҳам кучлилигидан далолат беришини қайд этди.

Икки мамлакат расмий делегацияларининг кенгайтирилган тартибдаги музокарасида Президентлар савдо-иқтисодий ҳамкорликни янада ривожлантириш масалаларига алоҳида эътибор қаратдилар. Жанубий Корея Ўзбекистоннинг энг ишончли иқтисодий шерикларидан эканлиги, ўзаро савдо ҳажми кун сайин ошиб бораётгани қайд этилди.

Айни пайтда ҳали ҳамкорлик кўламини кенгайтиришнинг барча имкониятлари тўлиқ ишга солинмагани, масалан, мамлакатларимиз нефть-газ, тўқимачилик, оғир ва енгил саноат, электроника ва юқори технологиялар соҳасидаги алоқаларни янги босқичга кўтариш учун улкан салоҳиятга эга эканлиги таъкидланди.

Музокарада ижтимоий соҳадаги муносабатлар ҳам таҳлил қилинди. Фан-таълим, соғлиқни сақлаш, маданият, сайёҳлик каби соҳалардаги алоқаларни ривожлантириш масалалари муҳокама қилинди.

Музокаралар якунида Президентлар Ўзбекистон Республикаси билан Корея Республикаси ўртасида Стратегик шериклик тўғрисида қўшма декларацияни имзоладилар.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси ҳукумати билан Корея Республикаси ҳукумати ўртасида Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт жамғармаси томонидан 30 миллион АҚШ доллари миқдорида имтиёзли кредит ажратиш тўғрисида битим, Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги билан Корея Республикаси Меҳнат вазирлиги ўртасида Ўзбекистон фуқароларини эркин ишга ёллаш тизими асосида Корея Республикасида иш билан таъминлаш тўғрисидаги меморандум имзоланди.

«Лотте» меҳмонхонасида ўзбекистонлик олий мартабали меҳмон шарафига Жанубий Кореянинг тўрт асосий иқтисодий ташкилоти — Саноатчилар Федерацияси, Савдо-саноат палатаси, Кичик ва ўрта бизнес Федерацияси ва Халқаро савдо уюшмаси номидан қабул маросими уюштирилди. Аслида бу тадбирни Ўзбекистон раҳбарининг етакчи корейс ишбилармонлари билан учрашуви дейиш мумкин. У икки мамлакат иш одамларининг алоқаларини янада фаоллаштириш масалаларининг муҳокамасига бағишланди.

Ушбу учрашув якунлари бўйича ҳам қатор икки томонлама ҳужжатлар, хусусан, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан Корея Республикаси Молия ва иқтисодиёт вазирлиги ўртасида ҳамкорлик меморандуми, Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги билан Корея Республикаси Тижорат, саноат ва энергетика вазирлиги ўртасида ҳамкорлик тўғрисида англашув меморандуми, Ўзбекистон Республикаси Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги билан Корея Республикаси Ахборот ва алоқа вазирлиги ўртасида ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида ҳамкорлик тўғрисида англашув меморандуми, Ўзбекистон Республикаси ҳукумати билан Корея Республикаси ҳукумати ўртасида 2006-2008 йилларга мўлжалланган маданий алоқалар дастури, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси билан Корея Республикаси Телерадиоэшиттириш тизими (KBS) ўртасида ҳамкорлик тўғрисида битим, Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси билан Корея Республикаси Халқаро савдо уюшмаси ўртасида ҳамкорлик тўғрисида битим, «Ўзбекенгилсаноат» ДАК билан Корея Саноат технологиялари институти ўртасида мутахассисларни ўқитиш ва ахборот алмашиш борасида идоралараро ҳамкорликни йўлга қўйиш тўғрисида ҳамкорлик меморандуми, Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети билан Жанубий Корея Халқаро тараққиёт агентлиги ўртасида 850 минг АҚШ доллари ҳажмида техникавий ёрдам кўрсатиш тўғрисида аҳдлашув, Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси билан Корея Республикаси Молия институти ўртасида ҳамкорлик тўғрисида меморандум, Хоразм Маъмун академияси билан Кёнгхи университети ўртасида ҳамкорлик тўғрисида меморандум, «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси билан Жанубий Кореянинг «Саломатлик ва тараққиёт учун» халқаро жамғармаси ўртасида ҳамкорлик тўғрисида битим, Тошкент давлат авиация институти билан Хансо университети ўртасида ҳамкорлик тўғрисида битим, Тошкент давлат кимё-технологиялар институти билан Хансо университети ўртасида ҳамкорлик тўғрисида битим имзоланди.

Президент Ислом Каримов «Хундай Моторс» компанияси раиси Чонг Монг Гуни қабул қилди. Мулоқот чоғида ушбу компания билан Ўзбекистон корхоналари ўртасида алоқа ўрнатиш ва ривожлантириш масалалари юзасидан фикр алмашилди.

Ўзбекистон раҳбари Корея Республикаси Миллий ассамблеяси (парламенти) Спикери Ким Вон Ки билан учрашди. Суҳбат чоғида парламентлараро алоқаларни янада ривожлантириш масалалари муҳокама қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Корея Республикасига давлат ташрифи давом этмоқда.

### ЎзХДП ҳаёти



## ФАОЛЛИК, ТАШАББУСКОРЛИК ТАЛАБ ЭТИЛАДИ

Ўзбекистон ХДП Тошкент вилоят кенгаши «Ўзбекистон Халқ демократик партияси депутатлар тузилмаларининг Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Олий Мажлис Сенати бешинчи ялпи мажлисида қилган маърузаларидан келиб чиқадиган сиёсий ва ташкилий вазифалари» мавзуида семинар ўтказди. Анжуманда ЎзХДП вилоят, шаҳар ва туман кенгашлари раислари, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳамда туман, шаҳар, вилоят Кенгашлари депутатлари, вилоят ҳокимлиги, турли идора ва ташкилотларнинг масъул ходимлари иштирок этишди.

Семинарда Ўзбекистон ХДП вилоят кенгашининг партия дастурий мақсад вазифаларини амалга оширишдаги ютуқлари тилга олинди. Шу билан бирга кенгаш фаолиятидаги айрим камчиликлар, депутатлик гуруҳлари фаолиятини янада жонлантириш ҳақида фикрлар билдирилди.

**Сирожиддин АЪЗАМОВ, ЎзХДП Тошкент вилоят кенгаши раиси:**

— Илгари жойлардаги бизнинг депутатлик гуруҳларимиз фаолияти суст эканлиги тўғрисида гапириларди. ХДП маҳаллий кенгашлари эса бунга асосий сабаб қилиб иккита важни кўрсатишарди. Яъни, депутатлик гуруҳларининг рўйхатдан ўтмаганлиги ҳамда депутатлар ўз ҳуқуқ ва ваколатларини яхши билмасликлари каби. Бу иккала муаммо ҳам ўтган йили ҳал этилди. Лекин депутатлик гуруҳларининг фаоллиги, ташаббускорлиги масаласи жойларда ҳалигача яхшиланмади. Баъзи бир маҳаллий партия кенгашлари қайсидир даражада ҳудуддаги мавжуд муаммоларни принципиал баҳолашга эришдилар. Лекин ҳозиргача халқ депутатлари туман, шаҳар, вилоят кенгашларида кўриладиган масалалар батафсил ва чуқур таҳлил қилинмаяпти. Натижада депутатлик гуруҳлари номидан ҳар томонлама асосланган таклифлар тайёрлаб берилмаяпти.

Турли ижтимоий масалалар бўйича мониторинг ўтказилиб, тўпланаётган ахборотлар кимга ва нима учун керак? Улар биринчи навбатда партия маҳаллий кенгашларининг ўзига керак. Бусиз мавжуд ижтимоий муаммоларга нисбатан позициямизнинг конструктив, ижобийлигини таъминлаб бўлмайди.

**Алиқул ЎРИНБОЕВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати:**

— Биз регламент бўйича жойларда сайловчиларимиз билан учрашиб турамиз. Лекин негадир ўша мулоқотларга вилоят ва туман Кенгашлари депутатлари келишмайди. Сайловчилар ҳам «улар сайлов арафасида серқатнов, серҳаракат эдилар, энди эса кўринмай кетишди» деб эътироз билдиришмоқда. Билмадим, депутатларимизнинг сайловчилар билан учрашишга вақти йўқ ёки улар бунга ҳафсала қилишмайди.

**Бахтиёр ЙЎЛДОШЕВ, Ўзбекистон ХДП Ангрен шаҳар кенгаши раиси, депутатлар гуруҳининг раҳбари:**

— Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида мамлакатимиз раҳбари вилоятимиз, хусусан, Ангрен шаҳри тўғрисида асосли танқидий фикр-мулоҳазаларини билдиргандилар. Булар шаҳар коммунал соҳасидаги мавжуд муаммолар, аҳолининг коммунал тўловлардан қарздорлиги кабилардир. Тўғри, фойдаланилган хизмат учун ҳақ тўлаш керак. Лекин айрим ҳолатларда таъминотчилар томонидан ҳам лоқайдлик, масъулиятсизлик кузатилмоқда. Бир мисол. Шаҳар партия кенгаши қошидаги жамоатчилик қабулхонасига фуқаро М.Охунбеков мурожаат қилиб, унинг хонадонида уч йилдан буён иссиқ сув йўқлиги сабабли тармоқдан узиб қўйишларини сўраб, марказий иссиқлик тармоғига ариза билан мурожаат этганлигини айтди. Аммо 2006 йил 1 февраль ҳолатига бу хонадонга тўловлар ёзилиши давом эттирилган ва фуқаронинг иссиқлик таъминоти корхонасидан қарздорлиги 260 минг сўмга етган. Шаҳар кенгашининг бевосита аралашуви натижасида бу қарздорлик олиб ташланди. Одатда таъминотчи ва мижоз ўртасида тузиладиган шартномада асосан ўша тегишли монополист корхона ва ташкилотларнинг манфаати кўпроқ ифодаланган бўлади. Шунинг учун электр энергияси, ичимлик суви, иситиш тизими ва бошқа хизматлар учун шартномалар тузилишида истеъмолчилар манфаатини ҳисобга олиш, уларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш зарур.

**Рихсибой МАҲАМАТОВ, Ўзбекистон ХДП Бўстонлиқ туман кенгаши раиси:**

— Ҳаммамизга маълумки, мамлакатимиз халқ таълими соҳасида катта ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Жумладан, мактаб биноларини қайта қуриш, капитал ва жорий таъмирлаш, мактабларнинг моддий-техника базасини яхшилаш, соҳа ходимларини рағбатлантириш ҳукуматимиз умуммиллий дастурларида кўзда тутилган. Шундай бўлса-да, бу соҳада баъзи муаммолар ҳам йўқ эмас. Масалан, чекка ҳудудларда ўқитувчи кадрларнинг, айниқса, чет тили, информатика фани ўқитувчиларининг камлиги, мактаблар дарслик билан тўлиқ таъминланмаганлиги ҳолатлари мавжуд. Синфларда ўқувчиларнинг сони 35-40 тагача бўлиши дарс пайтида қийинчиликлар туғдиради. Шунинг учун уларнинг сонини 25-30 та қилиб белгилашга эришиш даркор.

**Зулқайнар ҚОДИРОВ, ЎзХДП Бекобод туман кенгаши раиси:**

— Биз фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари билан ҳамкорликни янада кучайтиришимиз зарур. Чунки бизнинг электоратимиз бўлмиш — аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларининг турмуш тарзи, муаммолари уларга кўпроқ аён. Юқорида айтилганидек, турли даражадаги депутатларимиз сайловчилар билан учрашиб, уларнинг талаб ва истакларига ўз муносабатларини билдирсалар яхши бўларди.

Семинар сўнггида «Тошвилоятгаз» ҳудудий газ таъминоти корхонаси раҳбари ўринбосари Бахтиёр Буртабоев, Тошкент вилояти «Сувоқава» акциядорлик жамияти бош муҳандиси Баҳодир Очилов йиғилганларнинг ичимлик суви ва газ таъминотидаги муаммолар бўйича берган саволларига жавоб қайтаришди.

**Алижон АБДУРАҲМОНОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири**



**Суратларда:** анжуман иштирокчилари. **Аскар ЯКУБОВ олган суратлар**

## ЯГОНА МАҚСАД ЙЎЛИДА

Ўзбекистон Халқ демократик партияси ўз сафига ёшларни жалб қилиш, ушбу қатлам вакилларига ҳар томонлама ижтимоий ва ҳуқуқий ёрдам бериш, уларнинг ғайрат-шижоатини жамият учун фойдали жараёнларга жалб этиш каби кўплаб долзарб масалалар билан мунтазам шуғулланиш мақсадида «Истиқбол» ёшлар қанотини ташкил этиб, қатор ишларни амалга оширмоқда. Ёшлар билан ўтказилаётган маънавий-маърифий тадбирлар, учрашув ва суҳбатларда ХДП Дастури, партия фаолиятида ёшлар иштироки кенг тарғиб қилинаётир.

Навоий давлат кончилик институтида бўлган суҳбат-мулоқот «Ижтимоий адолат, бирдамлик, демократия ва истиқлол йўлидан» деб номланиб, унда вилоят кенгаши аъзолари институт талабалари билан ёшларни қизиқтирган масалалар бўйича фикрлашдилар. ХДП вилоят кенгаши раиси вазифасини бажарувчи Улуғбек Мусаев ўз маърузасида партиянинг бош мақсади, партия фаолиятида ёшларнинг ўрни, ижтимоий ҳамкорлик, жамият тараққиётида сиёсий партиялар мавқеи хусусида атрофлича маълумот берди. Талабалар партия Дастури, ёшлар қаноти бўйича саволлар бериб, кенгаш аъзолари жавобларидан қаноат ҳосил қилганликларини айтишди.

Институт ходими, «Зулфия» номидаги Давлат мукофоти совриндори Муҳаббат Темированинг партия ва ёшлар ҳақидаги дил сўзларини йиғилганлар катта қизиқиш билан тингладилар. Институтнинг 3-курс талабаси Зафар Боғибеков ХДП аъзоси эканлиги, нима учун айнан шу партияни танлаганлиги, юртимизда ёшларга яратилаётган кенг имкониятлар хусусида тўлқинланиб сўзлади. Тадбир сўнггида партия сафига қабул қилишни сўраб ариза берган талабалар Азиз Жўраев, Фотима Ҳотамова, Нафиса Холназарова, Гулнора Камоловаларга тантанали равишда партия билетлари топширилди. ХДП вилоят кенгаши ва институт маъмурияти бундай фойдали учрашувларни тез-тез ўтказиб туриш бўйича келишиб олдилар.

**Бахтиёр ТЕМИРОВ, Ўзбекистон ХДП Навоий вилоят кенгаши масъул ходими**

## АКСИЛТЕРРОР ТУЗИЛМА КЕНГАШИНИНГ МАЖЛИСИ

29 март куни Тошкентда Шанхай ҳамкорлик ташкилоти Минтақавий аксилтеррор тузилмаси (МАТТ) Кенгашининг олтинчи мажлиси бўлиб ўтди

Қозоғистон, Хитой, Қирғизистон, Россия, Тожикистон ва Ўзбекистон вакиллари Кенгашнинг бултур Тошкентда бўлиб ўтган олдинги мажлиси қарорларининг бажарилиши билан боғлиқ масалаларни кўриб чиқдилар. МАТТнинг бугунги кундаги фаолияти, жумладан, унинг ижроия қўмитаси фаолиятини молиявий жиҳатдан таъминлаш ҳамда ташкилий-кадрлар билан боғлиқ масалалар юзасидан қатор қарорлар қабул қилинди.

Мажлисда ШҲТга аъзо давлатлар раҳбарлари Кенгашига МАТТ 2005 йилдаги фаолияти тўғрисидаги маърузасининг лойиҳаси ҳамда «2007-2009 йилларда терроризм, сепаратизм ва экстремизмга қарши кураш борасидаги ҳамкорлик бўйича Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатларнинг ҳамкорлик дастури» лойиҳаси маъқулланди.

МАТТ Кенгаши аъзолари жорий март ойида Ўзбекистон ҳудудида бўлиб ўтган ШҲТга аъзо давлатларнинг «Шарқ-антитеррор-2006» қўшма аксилтеррор машқлари якунларини муҳокама этдилар. Жорий йил иккинчи ярмида ШҲТ га аъзо давлатлар ваколатли идораларининг қўшма антитеррор машқларини ХХР ҳудудида ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилинди. Шунингдек, Хитой томонининг терроризмни молиялаштириш билан боғланган гиёҳванд моддаларнинг ноқонуний айланишига қарши ҳаракат қилиш бўйича ШҲТ доирасида симпозиум ўтказиш тўғрисидаги таклифи қўллаб-қувватланди.

Кенгаш ШҲТ Минтақавий аксилтеррор тузилмаси ва БМТ Хавфсизлик Кенгашининг антитеррор қўмитаси ўртасидаги меморандум лойиҳасини тайёрлаш вазифасини МАТТ Ижроия қўмитасига топширди.

МАТТ Кенгашининг навбатдаги мажлисини 2006 йил сентябрь ойида Тошкентда ўтказиш тўғрисидаги келишувга эришилди.

Мажлис ишининг якунлари юзасидан сўзлар экан, МАТТ Кенгаши раиси Мэн Хунвэй унинг юксак самарадорлигини қайд этган ҳолда минтақавий хавфсизликни мустаҳкамлашда, ШҲТга аъзо давлатлар ҳуқуқ-тартибот идоралари ва махсус хизматлари амалий ҳамкорлигини йўлга қўйишда Минтақавий аксилтеррор тузилманинг аҳамияти ўсиб бораётганини таъкидлади.

**Олег ШАТУНОВСКИЙ**
**«Жаҳон» АА**

БУГУНГИ СОНДА:



## 8-СИНФ
## МАЪЛУМОТЛИ «ФАРМАЦЕВТ»

Дунёда бировнинг дардини енгиллатишдан, ҳаётини сақлаб қолишдан савоблироқ иш бўлмаса керак. Бироқ шундай тоифадаги кишилар борки, пул, мол-дунё топиш йўлида ҳеч қандай тубанликдан қайтишмайди. Бугун дорифурушлик қилаётганлар орасида ана шундай диёнатсизлар оз эмас. Улар ноқонуний йўллар билан олиб келган сифатсиз, сохта дорилар (дармон эмас) кўча-кўйда, баъзан дорихоналарда сотиляпти. Хўш, бу дориларни ким харид қиляпти? Сиз билан биз, албатта.

Қинғир ишга қўл ураётганлар йўли тўсилиб, тегишли чоралар кўриляпти. Аммо қалбаки, сифатсиз, фойдаланиш ман этилган дориларни мамлакатимизга олиб келиб, савдо қилиш давом этяпти.
Демак, ишимизнинг қаеридадир кемтиклик бор, демак, қаллоблар фаолиятига бутунлай чек қўйилмаган...

2-бет

O'zbekiston havo yo'llari
TOSHKENT XALQARO AEROPORTI
Хизматлар лицензияланган

O'ZSANOATQURILISHBANK
KO'PLARNI TANISHADI – MUNOSIBLARNI TANLASHADI!
Tel: 120-45-01, 120-45-82, факс: 133-32-40
www.uzpsb.com e-mail: info@uzpsb.com
Хизматлар лицензияланган

TOSHKENT SHAHAR MUNITSIPAL BIRJA MARKAZI
MULKDORGA HAMKOR!
Tel: 132-25-51, 133-46-61, Faks: 133-20-74
WWW.tshmbm.uz E-mail: info@tshmbm.uz va Birja@mail.tps.uz
Хизматлар лицензияланган

Миллий ҳамда чет эл валютасида барча банк хизматлари Сизнинг муваффақиятингиз учун!
«ПАХТА БАНК» – ФАРОВОНЛИГИНГИЗ КАЛИТИДИР
Хизматлар лицензияланган

**Аччиқ, аммо очиқ гаплар**

# 8-СИНФ МАЪЛУМОТЛИ «ФАРМАЦЕВТ»



## ИНСОН ҲАЁТИ ВА СОҒЛИГИ БИЛАН БОҒЛИҚ ДОРИ-ДАРМОН САВДОСИДАГИ ТАШВИШЛИ ҲОЛАТЛАР ХУСУСИДА

Ҳаммамиз иссиқ жонмиз. Бирон жойимиз оғриса, дарҳол дорихонага чопамиз. Шукрки, ҳар қадамда дорихона. Излаган малҳамни топасиз. Хусусий дорихона очиб, елиб-югуриб халқимизга керакли дори-дармонни етказиб келаётганларга раҳмат. Улар мушкулимизни осон қилиб, дардимизни енгиллаштиришяпти.

Бироқ инсон ҳаёти ва соғлиги билан боғлиқ муҳим тармоқ — дори-дармон масаласида юз берган ҳамда ҳозир ҳам давом этаётган ножўя ишлар кишини ташвишлантиради, ўйлантиради. Аслида дори воситалари ва фармацетика фаолияти билан етарли билим ҳамда малакага эга бўлган мутахассисларгина шуғулланишлари керак. Негаки, бу соҳа ниҳоятда нозик бўлиб, бошқа касб эгаларининг «тиши» ўтмайди. Шунинг учун ҳам дори воситаларини тайёрлаш, қадоқлаш, сақлаш ва сотиш бўйича қатъий тартиб белгиланган. Ўзбекистон Республикасининг «Дори воситалари ва фармацевтика фаолияти тўғрисида»ги Қонуни 13-моддасига кўз югуртирамиз:

**«Дори воситалари фақат дорихона муассасалари орқали сотилади.**

**Дорихоналар иши дорихона амалиёти учун хос бўлган стандартларга мувофиқ амалга оширилади.**

**Дорихоналар ишини бошқариш олий фармацевтика маълумотига эга шахсларгагина рухсат этилади.**

**Барча дорихона муассасалари санитария меъёрлари ва қоидаларига жавоб бериши лозим.**

**Муддати ўтган дори воситаларини сотиш ва улардан фойдаланиш тақиқланади...»**

Хўш, амалда нималар бўлаётир? Аччиқ, аммо очиқ гап шуки, тиббиёт муассасаларида мулкчилик шаклининг ўзгариши билан бу соҳага мутлақо алоқаси бўлмаган тасодифий кишилар кириб кела бошладилар. Пул кетидан қувган бундай кимсалар ҳатто сохта дори ишлаб чиқариб, сотишдан ҳам тап тортишмаяпти.

**Тошкент шаҳар прокуратураси ҳузуридаги Солиқ ва валютага оид жиноятларга қарши курашиш бошқармаси катта инспектори Қиёмиддин Тошмуродов** берган маълумотнома билан танишамиз. Яккасарой тумани Усмон Носир кўчасида яшовчи Алфия Қодирова Фарғона шаҳридаги «Супер фарма» корхонаси раҳбари Олим Мамасодиқов билан жиноий тил бириктириб, «КамАЗ» русумли давлат белгиси 15 AI 029 бўлган автоуловга 5000 дона «Гемодез» дорисини қалбаки ҳужжатлар асосида юклаётган вақтда қўлга тушди. Суриштирув жараёнида Алфия Қодированинг сохта фаолияти ҳам фош этилди. Бу аёлнинг сохта ҳужжатлар билан дори-дармон сотгани етмагандай, М.Мирқосимов 1-тор кўчадаги уйда яширин цехда дори ишлаб чиқарганига нима деса бўлади? Қўлбола усулда тайёрланган дорилар эса Украина ва Россия давлатлариники деган қалбаки ёрлиқлар билан сотувга чиқарилган. Алфия Қодированинг яширин цехида ишлаган ишчилар ака-ука Эргашевларнинг фармацевтика соҳасида қанчалик маълумоти бор-йўқлиги ўрганилганида қизиқ ҳолатга дуч келинди. «Фармацевт»лар... 8-синфни тугатишган экан, холос. Шундай экан, улар тайёрлаган дорилар дардга даво бўлади, дея ким кафолат беради? Алфия Қодировага тегишли хонадонда ҳеч қандай ҳужжатлари бўлмаган жами 51 турдаги, жумладан, дори таркибига қўшиладиган «Кастор мойи», «Линимент бальзамический», «Левомицетин», «Нафтезин» ва бошқа дори-дармонлар ҳамда маҳсулотни қадоқловчи ускуналар далилий ашё сифатида олинди.

Мутахассислар юқорида номлари кўрсатилган дориларнинг инсон соғлиғи учун қанчалик фойда-ю қанчалик зарар эканлигига аниқлик киритишди. Уларнинг хулосаларига кўра, бу дорилар инсон соғлиғи учун ўта хавфли экан. Биргина «Левомицетин»ни оладиган бўлсак, бу дори стерилизация воситалари билан жиҳозланган ҳолатда тайёрланади ва инсоннинг энг нозик аъзоларидан бири бўлган кўзга шифо учун томиздирилади. Мутахассисларнинг фикрича, А.Қодирова «заводидан» чиққан «Левомицетин» дори воситасининг таркибида ўта зарарли моддалар мавжуд бўлиб, кўзни кўр қилиши мумкин экан. Худди шунингдек, «Гемодез» ҳам стерилизация воситалари билан жиҳозланган ҳолатда тайёрланиш керак. Маълумки, «Гемодез» инсон қон томирлари орқали организмни тозалаш ёки бемор оғир ҳолатда ётганда унинг ҳаётини сақлаб қолиш учун ишлатилади. Фармацевтика соҳаси ходимларининг фикрига кўра, яширин цехда тайёрланган бу дори воситасидан фойдаланган беморларнинг соғлиғи яхшиланиш ўрнига, ўта хавфли бўлган касалликларни орттириш ёки уларнинг ҳаёти ўлим билан ҳам тугаши мумкин экан.

Хайриятки, олиб борилган тезкор тадбирлар натижасида сохта тадбиркорнинг ишларига нуқта қўйилди ва минглаб беморларнинг ҳаётига зомин бўлувчи қалбаки дорилар йўқ қилинди. Қинғир ишларга яна бир мисол. Тошкент халқа йўлининг «Шифобахш сувлар» масканидан Тошкент шаҳри томон ҳаракатланаётган Гулноза Шербекова бошқарувидаги ГАЗ 31 «Волга» русумли автомашина Тошкент шаҳар ЙПХ нозирлари билан ҳамкорликда ўтказилган тезкор тадбир давомида тўхтатилганда автомашина юкхонасида кўп миқдордаги чет элда ишлаб чиқарилган 13 турдаги дори воситалари борлиги маълум бўлди. Г.Шербекованинг тушунтиришича, у Матлюба Боймирзаева ва Муҳайё Ҳидоятовалар билан бирга олдиндан келишган ҳолда қўшни Қозоғистон Республикасига «Ғишт кўприк» пости орқали ўтиб, у ердан дори воситаларини сотиб олиб, республикамиз ҳудудига айланма йўллар орқали киришган. Сохта тадбиркор аёллар дори воситаларининг сифатини тасдиқловчи сертификатни ёки бирон-бир ҳужжатни кўрсата олмадилар.

Ҳозирда эса ушбу ҳолат юзасидан суриштирув ҳаракатлари олиб борилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси ходимлари томонидан ҳам дори-дармон маҳсулотларининг юртимиз ҳудудига ноқонуний олиб кирилишининг олдини олиш мақсадида қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Масалан, 2005 йил давомида соҳа ходимлари томонидан жами 144 та ҳолатда қиймати 141 миллион сўмдан ортиқ дори-дармон маҳсулотлари ушлаб қолинди.

Жумладан, қашқадарёлик божхоначилар томонидан фуқаро С.Умиров бошқарувидаги «КамАЗ»-5320» русумли юк автомашинаси тўхталиб, божхона назоратидан ўтказилганда ушбу автомашина юкхонасида хорижда ишлаб чиқарилган, сифатига ҳеч қандай кафолат бўлмаган 31 хил турдаги, қиймати 10 миллион сўмдан ортиқ дори-дармон воситалари борлиги фош этилди. Суриштирув ишлари давомида ушбу маҳсулотлар аслида фуқаро Б.Раҳматиллаевга тегишли эканлиги ҳамда дори-дармон воситалари Қарши шаҳрига қайта сотиш мақсадида олиб кетилаётганлиги маълум бўлди.

— Вазирлар Маҳкамасининг «Жисмоний шахслар томонидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудига товарлар олиб келинишини тартибга солиш тўғрисида»ги қарори талабини бажариш борасида ўтказилган тадбирда қўқонлик Юлдуз Дадахонованинг ноқонуний фаолиятига чек қўйилди, — дейди **Тошкент вилоят прокуратураси ҳузуридаги Солиқ ва валютага оид жиноятларга қарши курашиш бошқармаси катта суриштирувчиси Алижон Эсонов.** — Тошкент туманида фуқаро А.Карабаев бошқарувидаги «Москвич» русумли давлат рақами 11 V 5046 бўлган автомашина тўхтатилиб, унинг юкхонаси ва салони кўздан кечирилганда Юлдуз Дадахоновага тегишли 17 турдаги 5.297.325 сўмлик чет элда ишлаб чиқарилган ҳужжатсиз дори-дармонлар борлиги аниқланди.

Тошкент туманида яшовчи Фарҳод Холиқов билан Сирожиддин Акбаровлар ҳам омадларини «доришунослик»да синаб кўрмоқчи эди. Улар 7.513.070 сўмлик дори-дармонни «Жигули»га ортиб, милиция кийимида бўлган Тошкент шаҳар ИИББ ЁХБ собиқ ходими С.Акбаров кузатувида айланма йўллар орқали республикамизга ноқонуний равишда ҳужжатсиз дори олиб кираётганида ушланди.

Сохта фармацевтлар «фаолияти»дан яна бир мисол. «Меҳригиё» кичик корхонаси раҳбари А.Абдураззоқовнинг аризасида ёзилишича, унинг корхонаси номидан қалбаки доривор гиёҳлар тайёрлаётган кишилар бор экан. Тошкент шаҳар прокуратураси ҳузуридаги Солиқ ва валютага оид жиноятларга қарши курашиш бошқармаси ходимлари Сирғали тумани, Лутфикор кўчаси, 1-уйнинг ертўласини кўздан кечиришганида А.Абдураззоқовнинг аризаси асосли эканига амин бўлдилар. Яширин цехда Б.Нуриддинов «жавлон» уриб қалбаки дориворлар тайёрлаётганининг устидан чиқишди. Белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтмасдан, махсус рухсатномасиз ноқонуний иш юритган Б.Нуриддинов энди афсусда.

**Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Дори воситалари ва тиббий техника сифатини назорат қилиш бош бошқармаси бошлиғининг ўринбосари, фармназорат бўлими бошлиғи Дилором НОСИРОВА:**

— Ўн йиллар илгари врач тавсияси бўйича дори оладиган бўлсак, бу дори қалбаки эмасмикан, деган фикр умуман хаёлимизга ҳам келмасди.

Бугун-чи? Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти 1987 йилда қалбаки дори воситаларининг бутун дунё бўйлаб тарқалаётганидан ташвиш билдирганди. Таққослаш учун факт. Агар бир йилда тахминан 400 миллиард доллар миқдоридаги дори-дармонлар фармацевтика бозорига чиқарилса, қалбакилари 25-40 миллиард доллар атрофида бўларкан. Бу ниҳоятда ташвишланарли. Ўзбекистонда ҳар йили бир неча тонна сифатсиз, қалбаки дори воситалари йўқ қилинади. 2005 йилда ҳам катта миқдорда 25 турдаги қалбаки, 47 турдаги сифатсиз, 298 турдаги рўйхатга олинмаган дорилар аниқланиб, йўқ қилинди. Мавриди келганда бир гапни айтай. Кўпчилик истеъмолчилар арзонига учиб ё қалбаки, ё сифатсиз дори сотиб олишади. Натижада беморнинг аҳволи оғирлашади.

Дори воситаларининг асосий қисми мамлакатимизга хориждан олиб келинади. Четдан келаётган сифатли дори-дармонлар билан бир қаторда божхона назоратини четлаб ўтиб олиб келинаётганларининг аксариятидан республикамизда фойдаланиш ман этилган, сертификати йўқ, муддати ўтган. Қўқон, Хоразм, Каттақўрғон, Самарқанд ва Наманганда дори воситалари билан савдо қилувчи «қора бозор»лар аниқланган. Ноқонуний олиб келиниб, тартибга зид ҳолда дори сотаётган «ёймачилар» фаолиятига бутунлай чек қўйиш зарур.

Яна бир гап. Дунёнинг номдор фирмаларида ҳам ноқонуний дорилар тайёрланаётгани «қора бозор»ни «гуллатяпти». Бугунги кунда истеъмолчиларни яроқсиз, қалбаки дорилардан ҳимоя қилишнинг усулларидан бири бу — сертификатлаш. Сертификат маҳсулот сифатининг ягона кафолати. Шунинг учун харидор дори сотиб олар экан, сотувчидан унинг сертификатини сўраши керак. Очиғи, кўпчилигимиз истеъмолчи сифатида ҳуқуқимизни билмаймиз. Ҳуқуқимизни билмаслик ўзимизга зиён-ку.

Фармацевтика бозоридаги аҳволни соғломлаштириш долзарб вазифа. Сифатсиз, қалбаки дори воситаларидан фуқароларимизни ҳимоя қилиш учун тегишли ташкилотлар билан ҳамкорлик ҳар қачонгидан муҳим.

2004 йилнинг май ойидан дорихоналар фаолиятини назорат қилиш Дори воситалари ва тиббий техника сифатини назорат қилиш бош бошқарманинг фармназорат бўлимига юклатилди. Ўтган даврда фармацевтик фаолият бўйича 998 та хўжалик субъектида текшириш ўтказилди.

Текшириш таҳлиллари ўта ташвишли. Тафсилотларга батафсил тўхталмай қисқача айтганда, 4198 турдаги (даҳшатли рақам) юз минглаб қалбаки, сифатсиз, муддати ўтган, ҳужжатсиз дорилар борлиги аниқланди. 164 та дорихона санитария талабига жавоб бермаган. 28 та дорихона лицензияда кўрсатилган манзилда фаолият юритмаган. 88 та дорихонада эса мутахассислар йўқ...

Текшириш якунларига кўра, 318 та хўжалик субъекти ҳужжатлари лицензия ҳайъатига берилди. 144 та хўжалик субъекти фармацевтик фаолият юритиш лицензиясидан маҳрум қилинди ва ҳоказо. 84 та хўжалик субъектининг ҳужжатлари прокуратура органларига ўтказилди. Солиқ ва бошқа идораларга ҳужжатлари жўнатилган хўжалик субъектлари анчагина...

Пайтдан фойдаланиб, кўнгилдан кечган гапларни ҳам айтиб ўтсам. Ҳозирги пайтда дорихоналарда дори воситаларини сотиш қоидаларига риоя этилишини назорат қилиш баъзи сабабларга кўра қийинлашган. Хусусан, дорихоналарнинг аксарияти кичик корхона ҳисобланади ва уларнинг фаолияти 4 йилда бир маротаба текширилади.

Ўтказиладиган текширувлар Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи республика кенгаши томонидан олдиндан эълон қилинади. Бу ўтказиладиган тадбирларда етарли самарага эришиш ва мавжуд аҳволни объектив баҳолаш имконини бермаяпти. Шунинг учун дорихоналарда қисқа муддатли текширув ўтказишга имконият яратилса, деган фикрдаман. Агар таклифим қўллаб-қувватланса, дори-дармонлар сифатини назорат қилиш анча самарали бўларди.

Лицензия масаласи хусусида ҳам икки оғиз тўхталиб ўтай. Авваллари фармацевтик фаолияти билан шуғулланиш учун лицензия беш йил муддатга бериларди. 2005 йилдан берилаётган лицензиянинг амал қилиш муддати чегараланмаган. Қизиғи шундаки, дорихоналарда қўпол қоидабузарлик ҳолатлари — яроқсиз, рўйхатдан ўтмаган ва қалбаки дорилар сотилгани аниқланганда, Соғлиқни сақлаш вазирлигининг фармацевтик фаолият учун лицензия бериш ҳайъати улардан лицензияни олиб қўйиш ҳуқуқига эга эмас.

Ушбу соҳада қатъий тартиб ўрнатиш учун менимча, қатор қонун ва меъёрий ҳужжатларни такомиллаштириш зарур. Жумладан, «Дори воситалари ва фармацевтика фаолияти тўғрисида»ги Қонунга ўзгартиш ва қўшимчалар киритилса, ҳуқуқбузарларга қаттиқроқ жазо чоралари қўлланилса.

...Бу таклифларни тегишли идоралар, депутатларимиз ўйлаб кўришар, албатта. Аммо, масаланинг яна бир жиҳати борки, бу ўзимизга, аниқроғи, одамлар диёнатига, виждонига боғлиқ. Ўз қорнини ўйлаб, қора йўллар билан пул топишга уринаётганлар наҳотки, ўз ҳамюртлари, қариндош-уруғлари ҳаётига хавф солаётганини ўйлашмаса? Афсуски, бундай инсофсизлар нажот истаб дори-дармон ахтарган одамларга малҳам ўрнига заҳар сотиш гуноҳи азим эканини ўйлашмаяпти.

**Равшан ШОДИЕВ,**
**«Ўзбекистон овози»**
**махсус мухбири**



# ОМБОРГА ЭМАС, БОЗОРГА

«Хўжаобод» масъулияти чекланган жамияти маҳсулотлари харидоргир бўлиб бораяпти. Ички бозорда мавқеини мустаҳкамлаган жамоа эндиликда экспортбоп спорт буюмлари ҳам тайёрлашга ҳаракат қилмоқда

*Гап — бозорни билишда экан, маркетинг хизматини тўғри ташкил этиш, талаб ва эҳтиёжни синчковлик билан ўрганиб бориш ва ишни шунга монанд юритиш ютуқларга йўл очди. Ўтган йили буюртмачиларга 450 миллион сўмлик спорт буюмлари етказиб берилди. Бу — маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми аввалги йилдагига қараганда бир ярим бараварга ортганлигини кўрсатувчи далил.*

*— Маҳсулот сифати доим эътиборимизда, — дейди назоратчи Шарифахон Собирова. — Умидахон Ғаффорова, Лолахон Эгамбердиева, Олтиной Ҳолмирзаева каби ўнлаб чеварлар меҳнати билан тайёрланган спорт буюмларимиз хариди чаққон. Янги қурилган мактаблар ва коллежларга эндиликда жаҳон андазаларидаги спорт буюмлари ишлаб чиқариш — мақсад-муддаомиз.*

*Ҳа, бозор талаб ва эҳтиёжларини ўрганиб бориш жамоа ишига унум беряпти. Ҳозир бу ерда касаначилик меҳнатини ташкил этишда ҳам ибратли ишлар бошланди. 25 нафар уй бекаси корхонага баскетбол, футбол, волейбол тўрлари тўқиб беришга киришдилар.*

**Аҳмадилло СОЛИЕВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири**



***Суратларда:*** *корхона чеварларидан бири — Олтиной Холмирзаева; бўлим бошлиғи Мўминжон Мамажонов ва тўқувчи Феруза Нуралиева тўқиган маҳсулот сифатини кўрикдан ўтказишмоқда.*

**Азамат ТОШМАТОВ олган суратлар.**

# УЧИНЧИ «ҚАЛДИРҒОЧЛАР»

2004 йилда Ички ишлар вазирлиги академиясида ички ишлар идораларига сержантлар тайёрлаш олий курслари ташкил қилинган эди.

Куни кеча мазкур курснинг учинчи қалдирғочлари ҳисобланган 600 нафар курсантнинг қасамёд қабул қилиш маросими бўлиб ўтди. Сержантлар бу ерда саккизта йўналиш: патрул-пост хизмати, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, жазони ижро этиш, қўриқлаш, йўл-патрул, хорижга чиқиш, келиш ва фуқароликни қайд этиш, ёнғин хавфсизлиги ва ички ишлар идораларидаги бошқа хизматлар бўйича таҳсил олдилар.

Катта ҳаёт йўлига қадам қўйган ёш сержантлар юртга, халқимизга садоқатли бўлишга бел боғлаганлар. Ўзига хос байрам тусини олган тадбирда ички ишлар вазири, генерал лейтенант Баҳодир Матлюбов иштирок этди ва нутқ сўзлади.

**Маъмуржон ҚИЁМОВ**

# МУҚАДДАС ҚАДАМЖО ЗИЁРАТИ

Юртимизда турли зиёратгоҳу, муқаддас қадамжолар бисёр. Ана шундай даргоҳлардан бири Зангиота зиёратгоҳидир. Бу ерни ҳар куни юзлаб кишилар узоқ-яқиндан келишиб, зиёрат этишади.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Сирғали туман кенгаши ҳузуридаги «Фаол аёллар» қаноти аъзолари ҳам мазкур қадамжо зиёратида бўлдилар.

— Зангиота масканини ҳар йили зиёрат қилиш анъана тусига айланган бўлса-да, аммо бу йилги ташрифимиз аввалгиларидан фарқ қилади, — дейди ХДП Сирғали тумани кенгаши раиси Лола Исматова. — Боиси бу йилги зиёратчиларимиз тумандаги 33 та маҳалланинг энг фаол аёлларидан иборат. Албатта, зиёратга «Фаол аёллар» қанотининг жалб этилиши бежиз эмас. Чунки, улар ҳар ишда камарбаста, маҳаллада тинчлик-тотувликни, қўни-қўшнилар орасида ўзаро меҳр-оқибатни юзага келтира оладиган, муҳими ўғил-қизларимизга аждодларимизнинг ҳаёт йўллари, уларнинг ҳалол турмуш тарзининг бугунги ҳаётимизда тутган ўрни борасида тўғри маълумот бера олиш салоҳиятига эгадирлар.

Фаол аёллар Зангиота ва Анбар она мақбараларини зиёрат қилиш билан бирга, у ерда ёзилган эҳсон дастурхони атрофида йиғилдилар. Шу куни диллардан ғубор кўтарилиб, қалблар ажиб енгилликни, эзгулигу оқибатни ҳис этди. Зеро, аждодлар руҳи кўнгилларни ҳар қандай нохуш ўйлардан, қабоҳат ва жаҳолатдан халос этувчи буюк қудратга эгадир.

**Дилфуза**
**МИРЗАКАРИМОВА**

# СУРХОНДАРЁДА АЁЛЛАР ВА ЁШЛАР ФОРУМИ

Термиз шаҳридаги «Алпомиш» ўйингоҳида Сурхондарё вилоят ҳокимлиги, Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси, вилоят хотин-қизлар қўмитаси, вилоят миллий хавфсизлик хизмати, ички ишлар, мудофаа ишлари, божхона хизмати, ўрта-махсус касб-ҳунар таълими, халқ таълими, маданият ва спорт ишлари бошқармалари, вилоят прокуратураси, Термиз Давлат университети, «Камолот» ЁИҲ вилоят бўлими ташаббуси билан «Аёллар ва ёшлар — диний экстремизм, терроризм ва гиёҳвандликка қарши» шиори остида форум бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари, республика Хотин-қизлар қўмитаси раиси С.Иномованинг сурхондарёлик хотин-қизлар ва ёшларга қарата айтган табрик сўзлари форум иштирокчилари томонидан олқишлар билан кутиб олинди.

«Ўзбегим ёшлари» гуруҳи ва вилоят санъаткорлари ижросидаги куй-қўшиқлар, айниқса «Қизлар давраси» кўрсатуви иштирокчиларининг она Ватанга, ҳаётга меҳр-муҳаббат билан йўғрилган, огоҳликка даъват этувчи чиқишлари барчанинг кўнглидан чуқур жой олди.

**Абдурасул ЖУМАҚУЛ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири**

**Бугуннинг гапи!**

# СУВ ЙЎЛИНИ

## ДЕЙДИ ХАЛҚИМИЗ.

***— Суғориладиган ерлар ҳосилдорлигини ошириш қатор омилларга — кўп жиҳатдан унинг мелиоратив ҳолатига боғлиқ. Бунинг учун давлатимиз ҳар йили бюджетдан салмоқли маблағ ажратиб келмоқда. Жумладан, Қорақалпоғистон Республикаси туманларида бу борада амалга оширилаётган ишлар ҳақида нима дея оласиз?***

***Саволимизга Ўзбекистон Халқ демократик партияси аъзоси, Қорақалпоғистон гидромелиорация экспедицияси бошлиғи, республика Жўқорғи Кенгеси депутати Бургутбой Қдиярниязов қуйидагича жавоб қилди:***

— Ўтган асрнинг 60-йилларидан кейин Орол денгизи сатҳида пасайиш бошланди. Экологик вазият ёмонлашиб, тупроқда тузлар миқдорининг йиғилиши тезлашди. Сув ресурсларида танқислик юз берди. Натижада ҳудуд ерларининг мелиоратив ҳолати оғирлаша борди. Ҳозир мавжуд 500 минг гектар суғориладиган экин ерларининг 81 фоизи ҳар хил даражада шўрланган, 114 минг гектар майдоннинг мелиоратив ҳолати қоникарсиз...

***— Тупроқ шўрланишининг сабаблари нималарда, деб ўйлайсиз?***

— Сабаблари ҳар хил. Ҳудуд рельефининг ўта текислиги туфайли суғориладиган ерларда зах сувлар ерга тез сингиб, табиий чиқиб кетиши қийин кечади. Бу эса ер ости сизот сувларининг юзага кўтарилиб, тупроқнинг иккиламчи шўрланишига сабаб бўлади. Шу билан бирга ҳудудда ер шўрланишига Амударё суви минераллашув даражасининг юқорилиги ҳам таъсир қилади. Сабаби, Амударёнинг ўртача йиллик минераллашуви ҳар литр сувга 1-1,1 граммни ташкил этади. Дарёнинг юқори оқимида жойлашган ҳудудлардан зах сувларнинг пастга оқиб тушиши эса баҳор ойларида дарё суви минераллашувининг литрига 1,7-1,8 граммгача етиб боришига олиб келади.

Яна бир нарсани ёддан чиқармаслик керак. Орол денгизининг қуриб қолган қисмидан аввал шамол билан кўтарилиб, кейин ерларимизга тушаётган туз миқдори ҳам — шўрланишнинг кучайишига сабаб бўлмоқда. Шунингдек, шўр ювиш ва вегетация даврида сувдан исрофгарчилик билан фойдаланиш ҳоллари шўрланишга катта «туртки» бермоқда.

***— Бу ҳолнинг олдини олиш борасида қандай тадбирлар кўрилаяпти? Давлат томонидан ажратилаётган моддий маблағлар мақсадли йўналишларга сарфланаяптими?***

— Илгари ер юзига ўта яқин жойлашган ер ости сувлари сатҳини пасайтириш учун 16,4 минг километр узунликда ички хўжалик, 3,4 минг километр масофада магистрал ва хўжаликлараро коллекторлар қурилганди. Лекин, «Бош Жанубий Қорақалпоқ», «Бош Чап Қирғоқ» ва «КС-1», «КС-3», «КС-4» сингари асосий магистрал коллекторлар лойиҳада кўрсатилган чуқурликкача етказилмаганди.

Давлатимиз айни шу ҳолатга алоҳида эътибор бериб, 2004 йилдан бошлаб, Тўрткўл, Элликқалъа ва Беруний туманларида ирригация ва мелиорация тармоқлари техникавий ҳолатини яхшилаш учун қиймати 74,5 млн. долларга тенг чет эл лойиҳасини таклиф қилди. Унга кўра, Беруний коллекторидан Амударёга тушаётган юқори минералли зах сувлари тўхтатилиб, Ақчадарё коллектори орқали Орол қирғоқларига оқизиш ва бу билан Амударё суви минераллашувини камайтириш ҳамда 110 минг гектар ер ҳосилдорлигини ошириш кўзда тутилди.

Давлат «КС-1», «КС-3» коллекторлари реконструкцияси учун ҳам ҳар йили маблағ ажратиб келмоқда. Яқинда Хитой Халқ Республикасидан коллекторларни чуқур ковлайдиган 38 дона экскаватор, бульдозер ва бошқа техникаларни кредитга олиб келиш масаласи ҳал қилинди. Мамлакатимиз Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги томонидан таркибига 386 нафар киши уюшган Қорақалпоғистон Гидромелиоратив экспедицияси жамоаси бюджет маблағлари ҳисобига ерларнинг мелиоратив ҳолатини аниқлаш ва уни яхшилаш учун барча зарур чора-тадбирларни амалга оширишмоқда...

***— Гидромелиоратив экспедиция вазифаларига тўхталиб ўтсангиз?***

— 1967 йил Қорақалпоғистонда мелиоратив тизимлар бошқармаси ташкил қилинди. 1981 йилга келиб, у гидромелиоратив экспедицияга айлантирилди. Ҳудудда ҳозир мавжуд магистрал ва хўжаликлараро коллекторлар ана шу экспедиция балансида турибди. Уларнинг ишлаш ҳолатини таъминлаш вазифаси ҳам шу экспедиция зиммасида.

Мулоҳаза, мушоҳада

# ТУПРОҚҚАЛЪА МУАММОЛАРИ

## УЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛАДИГАН ВАҚТ КЕЛМАДИМИ?

Тупроққалъа — Хоразмнинг энг чекка қисми — Туркманистон Республикаси, Бухоро вилояти ва Қорақалпоғистон билан чегараланган, деярли Хоразмдан ажраб қолган ҳудуд: юз эллик минг гектар, шундан олти минг гектарида деҳқончилик қилинади. Аҳолиси ўн минг кишидан ошиқроқ... Бу ерда уч юздан ортиқ фермер ва деҳқон хўжаликлари фаолият юритмоқда.

Аввало деҳқончилик борасида. Бир вақтлар бўш ётган бу ҳудудни чорвачиликка ихтисослаштириш режалаштирилиб, замонавий чорва мажмуаси ҳам қурилганди. Дарвоқе, ҳудуд чорва боқишга қулай. Хоразмликларнинг аксар сурув қўйлари баҳор, ёз ва куз ойларида шу ерда боқиларди. Аммо, ҳудудни чорвачиликка йўналтириш ўша вақтдаги вилоят раҳбарларига маъқул келмадими, режа ярим йўлда қолиб кетди. Ўрнида пахтачилик ва шоличиликка ихтисослашган хўжаликлар ташкил қилинди.

Икки-уч йил муқаддам вилоят қишлоқ хўжалиги идораси олдида боғотлик фермер Саъдулла ака Жуманиёзовни учратиб қолдим. Кеч куз эди. Деҳқончиликдаги аҳволни суриштирдим. Фермер роса куюнди. «Тупроққалъанинг ери унумдор, эккан уруғ унмай қолмайди. Лекин, пахтани йиғиб олишга қийналаяпмиз. Ишчи кучи кам — у ёққа ҳашарга талабаларни олиб боришни бирор ўқув юрти раҳбари истамайди. Ташвиши кўп, харажати кўп. Икки йилки, раҳбарларга буғдой экишни айтамиз. Чунки, буғдойни қисқа фурсатда йиғиб олиш имкони бор. Ўрнига иккинчи экин — чорва озуқаси экилса, зарар кўрилмасди».

Ўшанда Саъдулла ака ҳали пахтасининг ярми йиғиштириб олинмаганидан ҳам зорланганди... Хуллас, кейин у киши фермерлигини йиғиштириб, ортга қайтишга мажбур бўлди. Фақат у кишигина эмас, бошқалар ҳам...

Сўнгги беш йилда Тупроққалъани гоҳ Ҳазорасп туманига беришди, гоҳ ҳар бир хўжаликни бошқа-бошқа туманлар ихтиёрига ўтказиш тажрибаси ҳам синаб кўрилди... Бўлмади.

**Тупроққалъадаги 13-ўрта мактаб ота-оналар кенгаши раиси Қаҳрамон Эшчонов сўзидан:**

— Мавжуд мактабларимизда мингдан ортиқ ўқувчи таҳсил олади. Уларнинг бир қисми Ҳазораспдаги коллежларга киришган. Ўзимизда ҳам олти юз ўринли маиший касб-ҳунар коллежи қурилиши ҳақида гап-сўзлар кўпдан юради-ю, ҳозирча ҳаракат йўқ. Аҳолига қулайлик яратиш ҳам ҳеч кимнинг эсига келмаяпти.

Ҳар йили бу ерда ўнлаб ёшлар турмуш қуришади. Аммо уларни рўйхатдан ўтказадиган «Бахт уйи» бу ерда қани? Ёшлар Питнак шаҳрига бориб рўйхатдан ўтиб келишлари керак. Оралиқ масофа юз километр. Агар ҳудуд билан вилоятни бирлаштирувчи йўналишда автобус қатнови кўнгилдагидек бўлса эди-ку, бунга чидаш мумкин. Аммо... Урганчдан Тупроққалъага қатнаб турган «Икарус» русумли автобуслар аллақачон эскириб, икки юз чақиримли масофага ярамай қолишди. Гоҳида кунлаб автобус қатнамайди.

...Ўтган йили вақтли нашрларга обуна мавсумида ҳудудда муштарийларнинг фикрлари билан қизиқдик: «Ҳафта-ўн кунда бир келтиришади, ўқишнинг нима қизиғи бор», — дейишди кўплар. Дарвоқе, ҳудуд аҳолиси «Хоразмтелеком» хизматидан ҳам маҳрум. Интернет ёки электрон почтани-ку фақат орзу қилишади...

Бир танишимиз беш йил муқаддам оиласи билан Тупроққалъага кўчди. Касби врачлигидан шу ерда муқим иш топди. Аввалига кайфи чоғ эди, кейинчалик эса бу ерда соғлиқни сақлаш тизими талабга умуман жавоб бермаслигидан кўнгли совиди... Кўч-кўронини кўтариб, қишлоққа қайтиб келди. Манзара маълум: типовой касалхона, дорихона йўқ. Кўпгина хасталикларни даволайдиган дўхтирлар етишмайди. Тери хасталигига чалинган банда икки юз километр йўл босиб вилоят марказида кўрикдан ўтиши, даволаниши мумкин. Оддийгина рентгенга тушиш имкони ҳам яратилмаган. Нарколог, эндокринолог, пульманологлар-ку... «анқо»нинг уруғи.

«Хоразмавтойўл» ташкилоти ҳам Тупроққалъага олиб борувчи марказий йўлни таъмирдан чиқарди-ю, ҳудуд ичкариси йўлларини пайсалга солиб келаётир. Фермерларнинг етиштирган маҳсулотларини йиғиштириб олишлари — бир муаммо бўлса, йил давомида минерал ўғит ва ёнилғини вақтида олишлари ҳам — бир муаммо...

Яна бир аччиқ ҳақиқат: Ўтган йиллар ҳудудда бирорта ҳам иншоот ишга туширилмади. Ишлаб чиқарилаётган қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш корхонаси (ҳатто филиали бўлса-да) яратилмади, ишсизлик кўпайди ва ҳоказо...

Хуллас, савол туғилади: Тупроққалъа муаммоларининг ижобий ечимини ҳал қиладиган вақт келмадими?

**Рўзимбой ҲАСАН,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири**




### УКРАИНА

Украинада бўлиб ўтган сайлов натижаларини аниқлаш жараёни якунланмоқда. Айни пайтгача участка сайлов комиссияларининг 93,83 фоиз протоколлари қайта ишланди. Унга кўра, овозлар қуйидагича тақсимланди:

Регионлар партияси — 31,43 фоиз
Юлия Тимошенко блоки — 22,41 фоиз
«Бизнинг Украина» блоки — 14,40 фоиз
Украина социалистик партияси — 5,85 фоиз
Коммунистик партия — 3,63 фоиз

Бу 5 партия сайловчиларнинг 3 фоиздан ортиқроқ овозини олгани учун ҳам Украина Олий Радасидаги ўринга даъвогарлик қилиш ҳуқуқига эга бўлди.

Президент Ющенконинг «Бизнинг Украина» блоки коалиция тузишга тайёр. «Бизнинг Украина» блоки сиёсий кенгаши Демократик коалиция меморандуми имзолашни таклиф этди.



### ФАЛАСТИН МУХТОРИЯТИ

Фаластин парламенти январдаги сайловда ғалаба қозонган ХАМАС радикал гуруҳи томонидан таклиф этилган Вазирлар Маҳкамаси таркиби ва ҳаракатлар режасини тасдиқлади. Янги ҳукумат бир неча кун ичида қасамёд қабул қилиши кутилмоқда.

Бош вазир лавозимига кўрсатилган Исмоил Ҳония парламентга ўз режаларини тақдим этди.

Ҳония араб мамлакатларига мурожаат қилиб, тақчилликнинг олдини олиш учун фаластинликларга фавқулодда ёрдам кўрсатишни сўради. У шунингдек, бу мамлакатлар тақдим этган маблағлар қандай сарфланаётганлигини назорат қилиши мумкинлигини билдирди.

Шунингдек, у парламент аъзолари олдида қилган чиқишида, ХАМАС радикал гуруҳи бошчилигидаги ҳукумат Яқин Шарқда тинчлик ўрнатиш йўлларини муҳокама қилишга тайёр эканлигини айтиб ўтди.

ХАМАС Исроилни тан олишдан бош тортмоқда. Гуруҳ етакчилари Исроилни тан олиш унинг оккупациясини ҳам тан олиш билан баробар деб билади. Исроилни тан олишни Фаластиндан АҚШ ва Европа Иттифоқи талаб қилмоқда.

Бироқ Ҳония Ғарб мамлакатлари талабини рад этди.

### АФҒОНИСТОН

Афғонистоннинг Гилменд музофотида жангарилар уюштирган ҳужум натижасида бир нафар канадалик ҳарбий хизматчи ҳалок бўлган, уч нафари жароҳатланган. Бу ҳақда Канада Миллий мудофаа департаменти баёнотида айтилган.

Қандаҳордан 110 километр узоқликда уюштирилган бу ҳужумда НАТО контингентининг яна бир ҳарбийси ҳалок бўлган. Хабарларга кўра, у АҚШ фуқароси экан.

### МИСР

«ASN-News» агентлигининг хабар беришича, Мисрда «парранда гриппи»дан иккинчи одам ҳалок бўлди. 30 ёшли Фотима Муҳаммад Юсуф 9 кун бетобликдан кейин ҳаётдан кўз юмган. У касалликни товуқдан таом тайёрлаш пайтида юқтирган.

Бундан ташқари, Хургаданинг марказий шифохонасига Ички ишлар вазирлигининг 19 ёшли хизматчиси келтирилганлиги ҳақида хабарлар тарқалди. Унинг қонида H5N1 вируси борлиги аниқланган.

**Давлат мулки қўмитаси Тошкент шаҳар бошқармаси ҳузуридаги**

**«POYTAXT AUKSION» давлат унитар корхонаси**

***2006 йилнинг 4,11,18,25 май ва 1,8,15,22,29 июнь ҳамда 6,13,20,27 июль кунлари аукцион савдоларини ўтказади***

Савдоларга «Олой деҳқон бозори» ОАЖ ҳудудида жойлашган ўлчами 3,0 х 4,0 = 12 кв.м. бўлган 72 та турғун савдо дўконларини қуриш ҳуқуқи, ҳар бири 4 000 000 сўм ҳамда майдони 50 кв.м. тенг бўлган ҳожатхона қуриш ҳуқуқи 16 000 000 сўм бошланғич нархлар билан қўйилади.

Савдо ғолибларига қуйидаги мажбуриятлар юкланади:

— аукцион савдолари ўтказилган куни савдо натижаси тўғрисидаги якуний баённомани ва 10 (ўн) кун муддат ичида қуриш ҳуқуқи олди-сотди шартномасини имзолаш;

— турғун савдо дўконларини ва ҳожатхонани қуришни ўз ҳисобидан ягона буюртмачи билан тузилган шартнома асосида амалга ошириш;

— бозор маъмурияти билан тузилган шартнома асосида коммунал хизматлар ва ер участкаси ижараси учун ҳақ тўлаш.

Савдоларда юридик ҳамда Тошкент шаҳрида доимий рўйхатдан ўтган жисмоний шахслар қатнашишлари мумкин.

Савдоларда қатнашиш истагини билдирган талабгорлар объектнинг бошланғич нархидан 5% миқдоридаги закалат пулини «POYTAXT AUKSION» ДУК, АТИБ «Ипотека-банки» Шайхонтоҳур филиалидаги ФА 00425, СТИР 204399967, 20210000804243151001 ҳисоб рақамига тўлайдилар. Аризалар қабул қилиш савдо ўтказиладиган кундан бир кун аввал соат 18.00 да тўхтатилади. Савдолар соат 11.00 да бошланади.

***Савдолар Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Мовароуннаҳр кўчаси, 16-«А» уйда ўтказилади. Қўшимча маълумот учун телефон: 133-02-49.***

**Гувоҳнома №000815**

# МИРОБДАН СЎРА

## ЗЕРО, МЕЛИОРАЦИЯ — АЙНИ ҲОЗИРГИ КУН ЮМУШИ

Асосий вазифалардан бири — суғориладиган майдонларда гидрогеология мониторинги юритиш. Бунда ерларнинг шўрланиш даражасини аниқлаш учун кузда ҳар 20 гектардан, баҳорда шўр ювиш ишларининг сифатини аниқлаш учун ҳар 100 гектардан 1 метргача чуқурликдан тупроқ намуналари олиниб, минераллашув даражаси босқичма-босқич кузатиб борилади. Яъни, мавжуд 3303 та назорат қудуқларидан ҳар 10 кунда бир марта ер ости суви сатҳини ўлчаш ва уларнинг (1 апрель, 1 июль, 1 октябрь ҳолатига кўра) минераллашувини аниқлаш, сув-туз балансини кузатиш, ҳар 10 кунда коллекторлардан чиқадиган сув сарфини ўлчаш, шунингдек, туманлараро чегара каналлари сувлари таркибини текшириш ишлари олиб борилади. Тупроқ, дарё, канал, коллектор ва сизот сувлари намуналари мелиоратив лабораторияда текширувдан ўтади. Улар асосида тупроқнинг гидрогеологик карталари чизилади ва ерларнинг мелиоратив ҳолати кадастри тузилади.

***— Муаммолар ва камчиликлар ҳам бўлса керак?***

— Ерларнинг мелиоратив ҳолати муаммолари асосан сув хўжалиги тизими муаммоларига боғлиқ. Шунинг учун ҳам сўнгги йилларда мамлакатимиз сув хўжалигида кенг қамровли ислоҳотлар бошланди. Чунки, асосий камчилигимиз — сувдан фойдаланишда ҳисоб-китоб ишларининг талаб даражасида эмаслигида бўлаяпти. Масалан, республикамизда ҳар йили 300-350 минг гектар майдонда шўр ювиш ишлари бажарилмоқда. Лекин, ҳозирча уларнинг самарадорлиги биз кутган даражада бўлмаяпти. Сабаби, ер эгалари шўр ювиш технологияларига яхши амал қилмаётир. Сув ҳали ювишга тайёр бўлмаган, ер 0,2-0,5 гектарли тенг бўлакчаларга ажратилмаган, зовурлари тозаланмаган, шўрланиш даражаси эътиборга олинмаган жойларга таралмоқда.

Ҳолбуки, жанубий туманлар хўжаликларида керагидан ортиқ сув олиниши ва шимолий туманларда «дамба усули» билан катта майдонларга сув берилиши — деҳқончилик учун зарарли. Кўпчилик каналлар ёхуд ариқларда сувни ўлчаш ва тежаш иншоотлари яхши ишламаганлиги (баъзан йўқлиги!) туфайли сув исрофгарчилигига йўл қўйилмоқда. Кўп ҳолларда ортиқча сув коллектор-дренажларга оқизиб қўйилмоқда. Натижада, мавжуд коллектор-дренаж тармоқлари кутилган самара бермаяпти...

Яна бир муаммо — Қорақалпоғистон гидромелиоратив экспедицияси балансида борйўғи 6 экскаватор, 7 бульдозер бор. Булар камлик қилаяпти. Тармоқларни тозалаш ишлари ташқаридан жалб қилинган ташкилотларнинг техникалари ёрдами билан бажарилмоқда. Бу эса белгиланганидан 1,5-2 марта кўп маблағ сарф қилинишини тақозо этмоқда. Экспедиция бўйича 3261,8 километр масофада магистрал ва хўжаликлараро коллекторлар бўлиб, ҳар йили уларнинг 550-600 километрини тозалаш талаб қилинади. Лекин, биз маблағ танқислиги учун йил сайин бу кўрсаткични аранг 350-400 километр атрофида бажараяпмиз, холос. Чунончи, бу йил экспедиция бўйича таъмирлаш ишларига — 605,6 миллион сўм маблағ ажратилди. Шундан, 350 километр узунликдаги коллекторни тозалашга — 470,8 миллион сўм, мураккаб таъмирлашга — 10,6 миллион, кичик таъмирлаш ишларига эса 124,2 миллион сўм йўналтирилади...

Жамоамиз мамлакатимиз Президенти Ислом Каримовнинг 2005 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2006 йилда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасидан келиб чиқиб, деҳқончилик маданиятини яхшилаш орқали тармоқдан олинадиган ҳосилдорликни ошириш, бунинг учун энг аввало, ерларнинг мелиоратив ҳолатини таъминлаш йўлида шу кунларда янги коллектор-дренаж тармоқлари қазиш ва эскиларини тозалаш ишларида барча имкониятлардан фойдаланиш йўлларини қидираяпти...

•••

...Бургутбой Кдиярниязовни Қорақалпоғистонда ҳеч ким «мелиоратор», «гидромелиоратор» ёки «ирригатор» деб эмас, балки оддийгина: «мироб» деб таърифлашади. Зеро, у ҳудудда сув йўлларини яхши билган чинакам мутахассис мироблардан бири. Эҳтимол, шу боисдан ҳам у куйиниб-куйиниб, суҳбатимиз охирида «мелиорация — айни ҳозирги кўклам кунлари юмуши» дея такрор-такрор эслатди бизга.

Халқимиз ҳам «сув йўлини миробдан сўра», деб бекорга айтмаган, ахир.

**Номоз САЪДУЛЛАЕВ,**
**Реимбой ЕШИМБЕТОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбирлари**

Иқтисодиёт ва ислоҳот

# МАҚСАД: ФЕРМЕР ХЎЖАЛИКЛАРИНИ МОЛИЯВИЙ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ

Мамлакатимизда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини тубдан ислоҳ қилиш ва аввало фермер хўжаликларини жадал ривожлантириш масаласига катта эътибор қаратилмоқда. Республикамизда 2005-2007 йилларда ширкат хўжаликларини фермер хўжаликларига айлантириш ва фермерларни қўллаб-қувватлаш бўйича қабул қилинган Президент Фармонлари ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари асосида қишлоқ хўжалиги ривожлантирилмоқда, яъни молиявий барқарор деҳқон ва фермер хўжаликларини кўпайтириш, уларнинг фаолиятини ташкил этишга кўмак бериш, маҳсулотлар етиштириш учун имкониятлар яратиш, ер ресурсларидан унумли фойдаланиш асосида ҳосилдорликни кўпайтиришга кенг йўл очиб берилмоқда. Натижада аҳолининг қишлоқ хўжалиги секторига қизиқиши янада ортди.

Шу асосда, мамлакатимизда қишлоқ хўжалиги корхоналарини ривожлантириш учун ҳам иқтисодий, ҳам ҳуқуқий база яратилганлигини қайд этиб ўтиш мумкин.

Хозирги даврда «Асака» давлат-акциядорлик тижорат банкининг асосий стратегик мақсади кичик бизнес, хусусий тадбиркорлик субъектлари ва фермер хўжаликларига кўрсатилаётган хизмат турлари кўламини кенгайтириш, сифатини яхшилаш билан биргаликда уларнинг ривожланишига ижобий шарт-шароитлар яратиш ҳамда бу орқали республикамиз иқтисодиётида ўз муносиб ўрнини мустаҳкамлашдан иборат. Чунончи, кичик бизнес, хусусий тадбиркорлик субъектларига ва фермер хўжаликларига қулайликлар яратиш ҳамда банк хизматлари тезкорлигини таъминлаш мақсадида 2005 йилда қўшимча 25 та минибанк ва чакана банк хизматлари кўрсатиш марказлари очилди. Бугунги кунда банк ўзининг республикамиз бўйлаб 26 филиали, 71 минибанк ва чакана банк хизматлари кўрсатиш марказлари орқали кичик бизнес, хусусий тадбиркорлик субъектлари ва фермер хўжаликларига барча турдаги банк хизматларини кўрсатмоқда. 2006 йилда қўшимча 39 та минибанк ва чакана банк хизматлари кўрсатиш марказлари ҳамда 1 та банк филиали очиш режалаштирилган. Жорий йил охиригача минибанк ва чакана банк хизматлари кўрсатиш марказларини 110 тага ва филиаллар сонини 27 тага етказиш бўйича фаол иш олиб борилмоқда.

Банк филиалларида 2005 йил бошида 648та фермерга хизмат кўрсатилган бўлса, хозирга келиб уларнинг сони 1064 тага етди ёки 64%га кўпайди.

«Асака» банк филиаллари томонидан ажратилаётган кредит маблағлари асосан маҳсулот ишлаб чиқариш учун зарур бўлган ускуналар, улар учун эҳтиёт ва бутловчи қисмлар сотиб олишга, маҳаллий хомашё негизида маҳсулот ишлаб чиқариш, маиший хизмат турларини ривожлантириш бўйича мавжуд лойиҳаларни молиялаштиришга йўналтирилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг кичик бизнес, хусусий тадбиркорлик субъектлари ва фермер хўжаликларини қўллаб-қувватлаш бўйича меъёрий ҳужжатлари ва «Асака» банкнинг кредит сиёсати асосида кредитлар ажратилмоқда. Бунда табиийки, ажратилаётган кредитлар муддати ундан фойдаланиш мақсадига мослаштирилган ҳолда белгиланмоқда.

Ўтган йили банк томонидан реал иқтисодиётга йўналтирилган кредит қўйилмаларининг ҳажми 2004 йилдаги кўрсаткичларга нисбатан 84,8 млрд.сўмга ёки 24% ўсишга эришилди. Умумий кредит қўйилмаларининг ҳажми эса 437,7 млрд.сўмга етказилди.

2005 йилда кичик бизнес субъектларига миллий валютада жами 34,4 млрд.сўм миқдорида кредитлар ажратилди. Шу жумладан, қишлоқ хўжалиги корхоналарига берилган кредитлар 1,7 млрд.сўмни ташкил этади.

Жорий йилнинг январь-февраль ойларида банк филиаллари томонидан кичик бизнес субъектларига 4,7 млрд. сўм миқдорида кредитлар ажратилди. Ушбу кредитларнинг 233 млн.сўми қишлоқ хўжалиги корхоналари ҳиссасига тўғри келади.

Кичик бизнес субъектларига 2005 йилда ажратилган кредитларнинг 722,1 млн.сўми микрокредитлар бўлиб, шундан 474,5 млн.сўми қишлоқ хўжалиги корхоналарига йўналтирилган.

Ушбу йўналиш бўйича жорий йилнинг икки ойи мобайнида ажратилган кредитлар 76,2 млн.сўмни ташкил этади.

Ўтган 2005 йилда қишлоқ хўжалиги корхоналарига 610,7 млн.сўм миқдорида қишлоқ хўжалиги техникалари, уларга зарур бўлган эҳтиёт ва бутловчи қисмларни сотиб олиш учун кредитлар ажратилган бўлиб, банкнинг Қорақалпоғистон, Бухоро, Жиззах, Навоий, Самарқанд, Сирдарё, Фарғона ва Хоразм филиали мижозлари ҳисобига тўғри келади.

Бундан ташқари «Асака» банкнинг «Лизинг амалиётлари» департаменти томонидан 2005 йил давомида 123,2 млн.сўм миқдорида қишлоқ хўжалиги техникаси олиш учун лизинг ажратилган. Лизинг орқали молиялаштирилган лойиҳалар Жиззах, Сирдарё ва Навоий вилоятларидаги фермер хўжаликларига уларнинг фаолиятини яхшилаш мақсадида Тошкент Трактор заводида ишлаб чиқарилган тракторлар ҳамда культиваторлар учун берилган.

Жорий йилнинг биринчи чорагида қишлоқ хўжалиги корхоналарининг лизинг лойиҳаларига 100 млн.сўмга яқин маблағ ажратиш бўйича ишлар амалга оширилмоқда.

Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 17 декабрдаги «Давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришни молиялаштириш механизмини такомиллаштириш тўғрисида»ги ҳамда 2003 йил 30 октябрдаги 476-сонли «2004-2006 йилларда фермер хўжаликларини ривожлантириш концепциясини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорларига мувофиқ, қишлоқ хўжалиги корхоналарига давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш билан боғлиқ харажатларни молиялаштиришга ҳам катта эътибор берилмоқда. Бугунги кунда, Молия вазирлиги ҳузуридаги «Давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг ҳисоб-китоб жамғармаси» томонидан тижорат банклари, шу жумладан, давлат-акциядорлик тижорат «Асака» банки орқали қишлоқ хўжалиги корхоналарига уларнинг пахта хомашёси ва ғалла ҳосилини етиштиришларига имтиёзли кредит маблағлари ажратилмоқда. Қишлоқ хўжалиги корхоналари томонидан ушбу имтиёзли кредитларни олиш, ундан фойдаланиш ва қайтариш тартиблари йилдан йилга такомиллашиб-соддалашиб бормоқда.

Жумладан, «Асака» банк филиаллари томонидан 2005 йил ҳосили учун жами 3,4 млрд.сўм имтиёзли кредит маблағлари ажратилиб, шундан пахта хомашёсини етиштиришга 3,3 млрд.сўм, ғалла ҳосилини етиштиришга 68 млн.сўм берилди.

Жорий йилда етиштириладиган пахта хомашёси ва ғалла ҳосили учун жамғармадан 2006 йил 1 мартгача жами 608,8 млн.сўм миқдорида имтиёзли кредитлар ажратилди. Ушбу кредитларнинг 168,9 млн.сўми ғалла ҳосили учун, 439,9 млн.сўми пахта хомашёси етиштиришга берилган.

Фермер хўжаликларига хизмат кўрсатиш, уларни зарур моддий ресурслар ва техника билан таъминлаш бўйича ҳам банк томонидан салмоқли ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, жорий йилда уларга культиватор, сеялка, плуг ва прицеплар олиш учун Хоразм, Жиззах ва Фарғона вилоятидаги фермерларга 199.4 млн.сўм миқдорида кредитлар берилди. Ҳозирда фермер хўжаликларидан банк филиалларида яна қўшимча равишда занжирли ҳайдов тракторлари, оддий тракторлар ва бошқа техникалар бўйича 790,0 млн.сўм миқдорида кредит олишга талабномалар мавжуд.

Мухтасар айтганда, «Асака» давлат-акциядорлик тижорат банки томонидан жорий йилда кичик бизнес субъектларининг қишлоқ хўжалиги соҳасида фаолият олиб бораётган корхоналарини доимий равишда қўллаб-қувватлаш ва уларга сифатли банк хизматларини кўрсатиш ва улар билан ҳамкорликда фаолият олиб бориш асосида кредит маблағларининг ҳажмини кўпайтириш бўйича ишлар давом эттирилади.

**«Асака» давлат-акциядорлик тижорат банкининг матбуот хизмати** t

Спорт

## ОКСАНАНИНГ КУМУШ МЕДАЛИ

Германиянинг Котбус шаҳрида спорт гимнастикаси бўйича ташкил этилган жаҳон кубогининг «В» тоифасига кирувчи халқаро турнирда ўзбекистонлик спортчилар муваффақиятли иштирок этди.

Хотин-қизлар ўртасидаги беллашувларда жаҳон чемпиони ва Олимпиада ўйинлари ғолибаси ўзбекистонлик Оксана Чусовитина таяниб сакраш бўйича халқаро турнирнинг кумуш медали билан тақдирланди.

Эркаклар ўртасидаги беллашувларда юртимиз шарафини ҳимоя қилган Антон Фокин турникда бажарилган машқлари эвазига кучли тўртликдан жой олди.

**Зоҳир ТОШХЎЖАЕВ,**
**ЎзА мухбири**

# ЭЛ-ЮРТ ҲУРМАТИГА САЗОВОР ИНСОН



Қадимий Бухоронинг Арки олий, Регистон майдони рўпарасида бир мактаб бор. Унинг бағридан номлари оламаро машҳур олиму фузалолар, буюк санъаткору шоирлар етишиб чиққан. Бу ерда Ойбекнинг излари қолган, шоирлардан Шариф Нурхон, Тошпўлат Ҳамиднинг қалб тафти сезилади. Бугун ана шундай қутлуғ билим даргоҳида салкам 2 минг нафар ўқувчи таълим-тарбия олмоқда. Уларга 69 нафар ўқитувчи сабоқ бериб келмоқда.

— Педагогларимиз орасида, — дейди 6-ўрта мактаб директори Мухсина Шоймардонова, — устозимиз Саид Муқимов алоҳида ажралиб туради. У кишининг педагогик тажрибаси, дарс ўтишдаги маҳорати наинки мактабимизда, балки бутун Бухорода маълум ва машҳур.

Дарҳақиқат, Саид Муқимов мана 44 йилдирки, ўқитувчилик касбини улуғлаб келяпти. Шу боис у ўз меҳнатидан қадр ва эъзоз топди — бугун кўксида «Эл-юрт ҳурмати» ордени порлаб турибди.

— Орамизда ўткинчи қийинчиликларни деб бошқа соҳаларга ўтиб кетганлар ҳам бўлди, — дейди у. — Мен эса ўз ҳаётимни мактабсиз тасаввур эта олмайман. Эрта тонгдан то кечгача мактабдаман. Бизда тарих фани чуқурлаштирилган ҳолда ўқитилиши ҳамма ўқитувчилардан катта масъулият талаб этади. Дарсдан сўнг тўгарак машғулоти, мактабнинг тарихий музейига саёҳат уюштириш, изланиш, ўқиб-ўрганиш...

Дарвоқе, мактаб жамоаси Президентимизнинг **«Халқ таълими ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш тизимини такомиллаштириш ва уни моддий рағбатлантиришни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»**ги қароридан, айниқса, мамнун бўлди. Бу ғамхўрликка жавобан улар бутун куч ва маҳоратларини ишга солмоқдалар.

**Даврон БАҲРОНОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири**

***Суратда:*** *тажрибали педагог Саид Муқимов ўқувчилар даврасида.*

**Шавкат АКРАМОВ олган сурат**

**Кино**

# БИР ЙИЛНИНГ ИККИ КАШФИЁТИ

**Кино оламида катта воқеа рўй берди: «Эркак» фильми Парижда олий совринга сазовор бўлди. Яна бир кино асари — «Йўл бўлсин!» чуқур мазмуни, гўзал шакли билан барчани мафтун этди.**

Уларнинг бири тенги йўқ Бойсунда суратга олинган. Иккинчисининг эса географияси чекланмаган — воқеалар тоғ этаклари ҳамда шаршаралар ёнида, бахтли хонадонда ва кўркам боғларда, тегирмон тошини айлантиришга қодир бўлган сув оқими ёнгинасида ҳамда ширин туш кўриб, кулимсираб ором олаётган қизалоқнинг хонасида, гоҳ мавжланиб, гоҳ салобатини юксак тўлқинлари ила намоён этиб турган денгиз бўйида кечади. Иккиси ҳам шаҳримизда сўнгги сайқал топган. Иккиси ҳам гўзаллик излаётган, уни табиатда, инсонлар муносабатида, ижод дамларида топган қизалоқлар, севган ва севилган вафодор аёллар ҳақида.

«Эркак» ҳам, «Йўл бўлсин!» ҳам шоирона руҳ билан суғорилган. Нозик чизиқлар, нафис бўёқлар, лирик садолар, экранга мосланган ижро, монтажҳикоя мароми — буларда кундалик турмуш икир-чикирлари, оила можаролари сезилмайди. Аксинча, олижаноб ҳис-туйғу, ширин орзу-умид, қайтарилмас висол онлари, келинчакнинг севинч ва қўрқув аралаш мураккаб руҳиятида ғурур устун туриши, фироқ ўтида ёнган аёлнинг иродаси, ақл-заковати, чексиз хаёл ва гумонлари, урф-одатларимизнинг гўзал кўринишлари ҳақида ҳикоя қилинади.

Бу мулоҳазалардан икки асар бир-бирини қайтарар экан, бир мавзуга бағишланган экан, деган хулосага бориб юрманг. Эркин Аъзам ва Юсуф Розиқовнинг лирик-психологик драмаси («Эркак»), Қамара Камолова ҳамда Ривкат Иброҳимовнинг кинопоэмаси («Йўл бўлсин!») поэтик кино асарлари сифатида бажонидил қабул қилинади, идрок этилади. Уларнинг бири иккинчисини қайтармайди. Услуб бир, лекин ифода воситалари фарқ қилади. «Эркак»нинг драматургияси, бадиий тўқимаси аввало, ижродан, актрисанинг маҳорати, техникасидан кенг фойдаланиш йўллари назарда тутилиб, бунёд этилган. Муаллиф фикри-зикри, ҳаяжони, режиссёрнинг тасаввуридаги кадрлар Лола Элтоеванинг актёрлик истеъдоди туфайли экранда гавдаланганини хориждаги ҳамкасбларимиз ҳам тан олганидан мамнунмиз.

Адиб Эркин Аъзам сўз воситаси ила чизган ўзбек аёлининг анча мураккаб психологик портрети ҳамда актрисанинг кадр ва эпизодларда ўзини тутиши, уйга ботиши, юрагидаги дардини сезилар-сезилмас табассуми билан яшириб юриши... Унда ҳорғинлик, чарчоқ аломатлари эмас, руҳий тетиклик устун туриши эътиборни тортади.

Гўё бу очиқ чеҳрали ўзбек аёли жасорат кўрсатмагандек, сценарий ва фильмда бундай воқеалар қамраб олинмагандек. Лекин баҳайбат тандир қуриб унда бир дам ором олган, нотаниш эркакнинг нигоҳида ҳирс аломатларини сезиб, дала-дашт қучоғига ўзини отган, ор-номусини сақлаб қолиб, довон ошиб қишлоғи, бузилмас қасри — хонадони томон йўл олган, узоқ умр сафарига отланган аёлнинг қалби гўзал, иродаси кучли, ақли теранлиги кўзга ташланади. Шарқираб оқаётган тиниқ сув, ҳеч эримайдиган қорлар туфайли ҳам салобатли, ранг-баранг бўлиб кўринадиган баланд тоғлар, боғларига гард юқмаган ва ҳайқираб оқаётган анҳор бўйида яйраб, ҳар томонга шох ташлаб ўсаётган мевали дарахтлари, қишлоқнинг бағрикенг аҳолиси — булар умр йўлдоши узоқ сафардан қайтишини кутаётган ўша аёлга ҳамроҳ...

«Йўл бўлсин!»да эса келин қалбини, куёв тўра қувончини, уларни ўраб олган муҳит гўзаллигини, қўнғироқдек овозлар, ҳазил-мутойиба ва бироз маъюсликка мойил тароналар, борлиқнинг бир-биридан кўркам кўринишларини тасвирлашда кинонинг бадиий хазинасидан ўзгача фойдаланилган. Ташқи кўриниши кўркам, лекин ижрочилик мактабини ўтамаган ёшлар келин, куёв, уларнинг дугоналари, жўралари қиёфаларида пайдо бўлганларида режиссёр ҳамда оператор ижод этган мураккаб композициянинг кўз илғамас кичик бир қисми бўлиб қолмайдилар, асло. Улар режиссёр кўрсатмалари, сценарий руҳи, фильмнинг улуғворлигидан келиб чиқиб, ҳолатга кирганлари кўринади.

Лекин ижрочи-ҳаваскорлар билан бирга тасвирий — овозли воситалар муайян драматик вазифаларни бажаришини, томошабинни ҳайратга келтиришини ҳам дарҳол сезиш мумкин. Ҳайратомуз асарлар пайдо бўлиши эса кинонинг, ижод аҳлининг байрами-ку! Бу фильм қаҳрамонларининг кайфияти, маънавий эҳтиёжини ифода этувчи сермазмун кадрларнинг гўзал мажмуасини бунёд этиш йўли билан ҳал этилади. Бундай мантиқ жумлалари, эстетик шакллар барпо этилишида синтетик табиати маълум бўлган кинематографиянинг «соф» услубларидан келиб чиқилган. Шу билан мазкур кинолавҳалар маданий мерос таъсирида, унинг заминида пайдо бўлганини қайд этамиз.

Бу ўринда тақлид эмас, ўтмишнинг бадиий тажрибасини ўзлаштириш ҳамда ундан экран талаблари даражасида фойдаланиш тамойилларини ёдга олайлик. Қамара Камолова ҳам шундай қилган: қаҳрамон руҳиятини очишга кўмаклашадиган халқ куйи кадр ортида янграшини таъминлаган, томошабинга маъжозий ифодалар орқали эстетик завқ беришга интилган. Тасвир халқ ашуласидаги ифодалардан фарқ қилади. Лекин ранглар силсиласи, композициялар мазмуни, гўзаллиги орзу қанотида парвоз қилаётган қаҳрамонлар руҳияти ҳамда қўшиқ драматургияси билан боғлиқ. Кино шакллари, экраннинг чекланган сатҳи, унда тасвир устун туриши зарурияти ҳақида мулоҳаза қилишга имкон топмаган, аниқроғи, тайёргарлиги бўлмаган «режиссёр»

***«Ўчоқ бошида қумғон***
***Атрофи баланд қўрғон.***
***Севганимга етолмай***
***Юрагим бўлди қон»***

мисраларини айнан кўрсатаверади: ўчоқ, қўрғон, изтироб чекаётган ёр... Бу йўл билан барчамизнинг дилимизга яқин «Сунбула»ни экранлаштириб бўлмаслигини қайд этамизда, ТВ ходимларига «Йўл бўлсин!»ни кўришни, таҳлил қилишни, тажрибадан ижодий фойдаланишни тавсия этишга журъат қиламиз.

Юксак талабларга жавоб берадиган бу асарнинг бадиий тўқимаси, тасвир ва овоз воситаларининг ўз ўрнида эканлигини қайд этган ҳолда унинг айрим қусурларини айтиб ўтишни лозим топдик. Таклифимиз, фильм давомида янграган «Йўл бўлсин!» қўшиғини Муҳиддин Қориёқубов ижросида берилиши асарга яна файз киритар эди. Ёқимли баритон асарни бойитарди. Кино тасмасининг иккинчи қисмида драматургик бўшлиқ пайдо бўлган. Шу боис бадиий асарга ёт бўлган кадрлар ҳам полотнодан ўрин олган.

Хуллас, йилнинг икки бадиий кашфиёти — «Эркак» ва «Йўл бўлсин!» фильмлари миллий кинематографиямизда поэтик йўналиш шаклланиб бораётганидан дарак беради. Бу оқим куч-қудрат касб этишига комил ишонч билан қараймиз. Ниятимиз, унга ирмоқлар, дарёлар, ҳатто денгизлар келиб қўшилсин.

**Ҳамидулла АКБАРОВ**

**Интер-спорт**

## БОКСЧИ ЖУРНАЛИСТНИНГ ҚОТИЛИ

Америкалик профессионал боксчи Жеймс Батлер Лос-Анжелес шаҳар суди томонидан 29 йилу 4 ойлик муддатга қамоқ жазосига ҳукм қилинди. Боксчи журналист Сэм Келлерманни ўлдирганликда айбланди. Воқеа 2004 йил октябрь ойида юз берган. Журналистнинг жасади 2004 йил 17 октябрь куни Голливуддаги уйидан топилган.

Аниқланишича, мухбирнинг бошига ясси нарса билан 30 марта зарба берилган экан. Чунки, жасаднинг ёнида қонга беланган болға топилган.

Батлерни мухлислар «Гарлемлик ўткир болғача», деб аташарди. У 2004 йилнинг 20 октябрида ҳибсга олинган эди. Ваҳоланки, журналист билан боксчи дўст бўлишган. Қотиллик юз беришидан бир ой аввал боксчи журналист истиқомат қилган уйга кўчиб келган экан. 34 ёшли Батлер 76,2 кг.вазнда қатнашиб, 25 жангдан 20 тасини ютган (12 та нокаут).

## ЧЕМПИОНАТ ХАВФСИЗЛИГИНИ ЎЙЛАБ

Июнь ойида Германияда футбол бўйича жаҳон чемпионати бошланади. Унинг ташкилотчилари ва полиция хизматчилари ҳозирданоқ ашаддий мухлислар билан муомала қилиш йўлларини изламоқдалар.

Полиция офицерлари мухлислар билан мегафон орқали мулоқотда бўлиш самарали кечади, деган фикрда. Айниқса, Англия терма жамоаси иштирокидаги учрашувларга алоҳида эътибор қилинади. Қизиғи шундаки, бу жамоа ўйинларини кўрмоқчи бўлган англиялик мухлислар учрашув бошланиши арафасида етиб келадилар. Ваҳоланки, Франкфурт полицияси раҳбарларидан бири Роберт Шефернинг сўзига қараганда, ҳар бир мухлис учрашувга барвақт келиши ва турли кузатувлардан ўтиши лозим бўлади. Хуллас, жаҳон чемпионати ўйинларининг хавфсиз ўтиши учун барча чоралар кўрилмоқда.


## ТЕНДЕРНАЯ КОМИССИЯ ГАЖК «ЎЗБЕКИСТОН ТЕМИР ЙЎЛЛАРИ»

**объявляет тендер № 4 на 2006 год на приобретение ниже перечисленных материалов и запасных частей согласно графика поставки (2-4 квартал 2006 года) по лотам:**

*1. Проволока из углеродистой стали для армирования предварительно напряженных ЖБК ГОСТ 7348-81 Вр-2, класс прочности 1500, диам. 3.0 мм в количестве 1000 тонн.*
*2. Проволока из углеродистой стали для армирования предварительно напряженных ЖБК ГОСТ 7348-81 В-1, класс прочности 1400, диам. 5.0 мм в количестве 500 тонн.*
*3. Секции радиатора 7317.000 в количестве 1000 штук.*
*4. Секции радиатора 7317.200 в количестве 1000 штук.*

***За тендерной документацией обращаться по адресу: г.Ташкент, ул. Т.Шевченко, 7, ГАЖК «Ўзбекистон темир йўллари» Управление «Темирйўлёнилғитаъмин», комната 410.***
***Тел.: 138-85-70, 138-84-72, 138-86-34.***
***Заявки на участие в тендере принимаются в течение 30 дней со дня опубликования в средствах массовой информации.***






**Барча турдаги қурилиш ташкилотлари диққатига!**

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МХХ ЧҚ 9113-ҲАРБИЙ ҚИСМИ

**қуйидаги объектлар бўйича танлов савдолари ўтказилишини**

**ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:**

*1) «9225-сонли ҳарбий қисмга қарашли 8-чегара постида 30 ўринли ошхона, 2 хонадонли ва ташқи тармоқлари билан турар-жой биноси, 80 м3 вигреб қурилиши (калити билан)».*

*2) «9225-сонли ҳарбий қисмга қарашли 9-чегара пости қурилиши (калити билан)».*

*3) «9225-сонли ҳарбий қисмга қарашли 10-чегара пости қурилиши».*

***Қурилиш ишларини тугаллаш муддати*** *— 2007 йил 1 ноябргача.*

***Буюртмачи манзили:*** *Жиззах шаҳри, «Халқлар дўстлиги» кўчаси.*

*Қурилиш ишлари ЎзР МХХ ДЧҲҚҚга ажратилган бюджет маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.*

*Танлов савдоларида иштирок этадиган ташкилотлар қуйидаги шартларга жавоб беришлари керак: танлов савдолари предметининг 20 фоизи миқдоридаги айланма маблағларига ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномасига, мудофаа объектларини қуриш лицензиясига, ишлаб чиқариш базалари, ишларни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларга, етарли касбий ва техникавий малакага, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларига эга, ўхшаш иншоотларни қуриш бўйича тажрибали ва ишончли бўлишлари шарт.*

*Савдода қатнашиш ва танлов ҳужжатларини олиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — Жаззах вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзилга мурожаат этиш мумкин.*

***Жиззах шаҳри, Ш.Рашидов кўчаси, 63-уй, 426-хона. Тел/факс: 226-14-66.***

***Бир тўплам танлов ҳужжатларининг нархи — 50 000 (эллик минг) сўм.***

*Таклифлар (оферталар) савдо ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда қабул қилинади.*

*Таклифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати — оферталар очилиш куни ва соатигача. Танлов савдолари эълон матбуотда чоп этилгач, 30 кундан кейин юқорида кўрсатилган манзилда ўтказилади.*



RESPUBLIKA KO'CHMAS MULK BIRJASI

## РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИ БИРЖА САВДОЛАРИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ!

**Ҳурматли ишбилармон ва тадбиркор жаноблар!**

Давлат мулки қўмитасининг ваколатли агенти «Давинком» давлат инвестиция фирмаси томонидан республика Кўчмас мулк биржаси тизимида ҳафтанинг **душанба, чоршанба ва жума** кунлари бўлиб ўтадиган марказлашган электрон биржа савдоларига 2006 йил 31 мартдан қуйидаги объектлар қўйилишини маълум қиламиз.

1. Бухоро вилояти, Жондор туманида жойлашган Соғлиқни сақлаш вазирлиги тармоғига тегишли хўжалик ҳисобидаги дезинфекция шохобчаси.

**Бошланғич баҳоси — 1711,0 минг сўм.**

2. Бухоро вилояти, Қоракўл туманида жойлашган Соғлиқни сақлаш вазирлиги тармоғига тегишли 14-сонли фельдшерлик-акушерлик пункти биноси.

**Бошланғич баҳоси — 1500,0 минг сўм.**

3. Давлат мулки қўмитасининг Фарғона вилояти ҳудудий бошқармаси томонидан 2006 йил 31 мартдан РКМБ Фарғона вилояти маклерияти томонидан Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарори асосида бошланғич нархи босқичма-босқич пасайиш механизми бўйича қуйидаги объект қўйилади.

Ўзбекистон тумани, Охунбобоев кўчасида жойлашган вилоят «Иссиқлик манбаи» ишлаб чиқариш бошқармасига қарашли қозонхона бино ва иншоотлари. **Бошланғич баҳоси — 618000 сўм.**

***Ҳурматли ишбилармон ва тадбиркор жаноблар!***
***Имкониятингизни бой берманг.***

Савдоларда республика Кўчмас мулк биржаси рўйхатидан ўтган малакали брокерлари объектларни харид қилишингизда Сизнинг хизматингизда бўладилар.

Қўшимча маълумотлар учун қуйидаги манзилга мурожаат қилишингиз мумкин.

**Тошкент шаҳар, Собир Раҳимов тумани, Қора-қамиш 2/4 даҳаси, Маҳамад Ўразбоев кўчаси, 1«А» уй, республика Кўчмас мулк биржаси.**

Телефонлар: 399-80-26, 136-15-28. Факс: 136-26-26
www.rkmb.uz

***Эслатма:*** *РКМБ тизими марказлашган электрон биржа савдолари жараёнида савдога қўйилган объектга икки ва ундан ортиқ харидор томонидан қизиқиш билдирилган ҳолда савдо аукцион кўринишида давом этиб нархлар эркин шаклланади.*

***Лицензия №000004***


«Ўзбекистон овози» ва «Голос Узбекистана» газеталари таҳририяти жамоаси Ўзбекистон халқ шоири
**Нормурод НАРЗУЛЛАЕВ**нинг
вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва қариндош-уруғларига чуқур таъзия изҳор этади.

«Мулоқот» журнали жамоаси Ўзбекистон халқ шоири
**Нормурод НАРЗУЛЛАЕВ**нинг
вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.


**BOSH MUHARRIR:**
**Safar OSTONOV**

**TAHRIR HAY`ATI:**
**Abdulla ORIPOV**
**Latif G`ULOMOV**
**Asliddin RUSTAMOV**
**Ashur QODIROV**
**Bobir ALIMOV**
**Farruh HAMROYEV** (Bosh muharrir birinchi o`rinbosari)
**Alimqul SULTONOV** (Bosh muharrir o`rinbosari)
**Andrey ORLOV** (Bosh muharrir o`rinbosari «Golos Uzbekistana»)
**Norbobo SHAKAROV**
**Nomoz SA`DULLAYEV**
**To`lepbergen QAIPBERGENOV**
**Muslihiddin MUHIDDINOV**
**Olim MURODOV**
**Abdug'ani MAMASODIQOV** (Mas'ul kotib)

**MUASSIS:**
O`ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

**BO`LIMLAR:**
Siyosat, partiya va xalqaro hayot 133-10-13
Ma`naviyat va ma`rifat 133-69-45
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 133-20-36
Parlament va huquq 136-76-21
Ekologiya va salomatlik 133-44-55
Axborot, sport va harbiy vatanparvarlik 133-21-43
Xatlar va ommaviy ishlar 133-12-56 (Tel. Faks)
Mas`ul kotib 133-72-83
Reklama va e`lonlar 133-38-55, 133-47-80

**VILOYAT MUXBIRLARI:**
Andijonda — 25-32-70
Buxoroda — 222-10-92
Gulistonda — 25-22-32
Jizzaxda — 5-49-85
Navoiyda — 223-83-73
Namanganda — 6-43-43
Nukusda — 222-70-15
Samarqandda — 35-20-54
Urganchda — 226-51-35
Farg`onada — 26-43-62
Termizda — 3-79-98

**MANZILIMIZ:**
700000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO`CHASI, 32-UY.
e-mail: info@uzbekistonovozi.uz

Navbatchi: **Ravshan SHODIYEV**

Gazeta «O`zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi-dasturchi: **Ikromjon ISMOILOV**

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
**Korxona manzili:** *Buyuk Turon ko`chasi, 41-uy.*

*Gazeta O`zbekiston Matbuot va axborot agentligida 008-raqam bilan ro`yxatga olingan.*
*Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.*
*Hajmi 2 bosma taboq.*
Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.



**«O`zbekiston ovozi» materiallarini ko`chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.**



Г — 550
*14419 nusxada bosildi*
*t — Тижорат материали*
O`zA yakuni — 20.45
Topshirish vaqti — 1 2 3 4 5 6
**Sotuvda erkin narxda**